

# O'ZBEKISTON



# OYOZI

IJTIMOY-  
SIYOSIY  
GAZETA

## ПРЕЗИДЕНТ ДЕХЛИГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 апрель кун давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасига жўнаб кетди. Сафар олдида мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида журналистларга интервью берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 апрель кун давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасига жўнаб кетди. Сафар олдида мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида журналистларга интервью берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 апрель кун давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасига жўнаб кетди. Сафар олдида мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида журналистларга интервью берди.

Ф.АРЗИЕВ,  
ЎЗА мухбири

• 2005-йил • 5-апрел • Seshanba • 43 (27.378) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган.





## ИШЛАЁТГАН, ИЗЛАНАЁТГАН ВА ИМКОН ТОПАЁТГАНЛАР

Қашқадарё вилояти, Касбий туманидаги Зикрий Асроров бош бўлган Алишер Навоий номи хўжаликда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича ибратли ишлар қилинапти.

пахтадан ҳам мўл ҳосил олинди. 220 нафар ижарачилар жамоаси йилни 3 миллиард 205 миллион сўм даромад билан якунлади. Олинган фойданинг ўзи 1 миллиард 112 миллион сўмдан ошиб кетди.

сўм, спорт мажмуи эса 3 миллиард сўм қийматда лойиҳалаштирилди, — дейди раис муовини Ҳотам Холматов. — Иккала объектни ҳам Мустақилликнинг ўн тўрт йиллигига фойдаланишга топширишни режалаштирганмиз. Наврўз айёмида эса ўтган йили энг юқори натижаларга эришган ижарачиларимизни 10 та энгил машина, мотоцикл, рангли телевизор; кўплаб қимматбаҳо буюмлар билан рағбатлантирдик.

Суратларда: хўжалик бош муҳандиси Саид Сиддиқов комбайнчилар билан; хўжалик марказида қад ростлаган А.Навоий ҳайкали; мукофот учун ажратилган автомашина ва мотоцикллар; Болалар спорт мажмуасининг ҳозирги кўринишидан бир лавҳа; хўжаликда янги мактаб қуриляпти;



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, хусусан, судьяларнинг ҳақикий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш соҳада амалга ошириляётган ишларнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлмоғи зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Соҳадаги ислохотлар самараси ўлароқ, суд тизими демократия талабларига мос равишда шаклланимуда. Судлар ихтисослашиб, уларнинг малакали кадрлар билан тўдирилиши ҳисобига судьяларнинг жамятдаги мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда.

Тошкент давлат юридик институтида ўтган «Инсон ҳуқуқлари адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашга оид маърузалари тингланди. Суд этикаси, судьялар одоб-ахлоқи қондаларига сўзсиз риоя этиш одил судловни сифатли амалга оширишнинг муҳим омилларидан экани алоҳида қайд этилди.

Судьялар одоб-ахлоқи қондаларининг энг муҳим талаби — судьялар мустақиллиги мамлакатимиз қонунчилиги, хусусан, Конституциямиз ва «Судлар тўғрисида»ги қонунда ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилган. Ўз навбатида судья ҳам қонуларимизга қатъий риоя этиши, бу борада барчага намуна бўлиши, айнаи вақтда фуқароларда суд ҳокимиятига нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантиришга ҳам қўмақлашиши керак.

Анжуманда ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш лозимлигига ҳам эътибор қаратилди.

Беҳзод НОРБОВЕВ,  
ЎЗА мухбири

## Йўналишлар БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Тошкентда АТ «Пахта банк» акциядорларининг йиллик умумий ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди

Бугунги кунда «Пахта банк» 13 та вилоят бошқармаси, 183 та бўлим ва 452 та минибанки орқали мулкчилик шаклининг барча кўринишидаги миқозларга хизмат кўрсатиб келимоқда. Ҳисобот йилида банк акциядорлари сони 2 минг 940 тага кўпайиб, 76 минг 669 нафарни, миқозлар сони эса 94 мингга кўпайиб, 374 мингчи ташкил этди.

Илгирлиш давомида мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан, қишлоқ хўжалигини тараққий топтиришда етакчи ўрин тутган ушбу банкнинг 2004 йилдаги даромадлари сарҳисоб қилиниб, шу даврга мўлжалланган стратегия ривожланиш дастурлари ва банк бюджети режалари асосан bajarилганлиги қайд этилди. Банкни 2005 йилда ривожлантиришга доир асосий йўналишлари, шунингдек, акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлиниши борасида фикрлар билдирилди.

Республика Президенти томонидан мамлакатни модернизация қилиш борасида белгилаб берилган устувор вазифалар ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, бозор иқтисодиётининг асосларидан бири бўлган кучли талаб ҳамда рақобат «Пахта банк» олдида ҳам янги вазифаларни қўяётгани таъкидланди.

«Пахта банк» ўзининг молиявий аҳволини янада барқарорлаштириш ҳамда халқаро мавқеини мустаҳкамлаш йўлидаги келгуси вазифаларни белгилаб олди.

ЎЗ мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 5 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.*			
1 Австралия доллари	833,27	1 Малайзия рингити	284,67
1 Англия фунт стерлинги	2037,75	1 Польша злотийи	340,33
1 Дания кронаси	187,29	1 СДР	1633,87
1 БАА дирҳами	294,50	1 Туркия лираси	801,19
1 АҚШ доллари	1081,61	1 Швейцария франки	898,57
1 Миср фунти	186,81		
1 Ислондия кронаси	17,89		
1 Канада доллари	889,19		
1 Хитой юани	130,68		

TOSHKENT SHAHAR  
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI  
MULKDORGA HANMORI!  
Tel: 132-25-51, 133-46-61. Faks: 133-20-74  
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'llari  
TOSHKENT  
XALQARO  
AEROPORTI

ALOQABANK —  
aniq, tez, ishonchli!  
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04  
WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz

## Соғлиқни сақлаш: ЎНИНЧИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Бугун пойтахтимиздаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки» — Соғлиқни сақлаш ўнинчи халқаро кўргазмаси ўз ишчи бошлади.

Покитон ва бошқа давлатларнинг 100 га яқин компанияси иштирок этади. Шунингдек, Польшанинг миллий тенди ҳам кўргазмадан ўрин олган.

тон соғлиқни сақлаш кўргазмасининг 10 йиллик иш фаолияти мобайнида жаҳоннинг 40 мамлакатидан 770 компания қатнашди. Дароқе, ўнинчи (юбилей) халқаро кўргазмаси қатнашчилари сони бўйича ҳам, эгаллаб турган сайдон бўйича ҳам ўтган йилдагисидан 50 фоизга ошган.

## Ватан ҳимояси — олий шараф МУҚАДДАС БУРЧ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги қақирув тўғрисида»ги қарори ва мудофиа вазирининг бу борадаги буйруғи матбуотда эълон қилинди. Ана шу қарор ва буйруққа асосан 2005 йил апрель-май ойларида муддатли хизматни ўтаб бўлганлар хизматдан бўшатилади ҳамда қақирув ёшига етганлар Қуролли Кучлар сафига қақирилади.

Президентимиз қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси 2005 йил 15 мартда «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларнинг ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервга бўшатиладиган ҳарбий хизматчиларни ашаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида» қарор ва шу қарорга илова тарзида Низом ишлаб чиқди.

Шу бос қарор ва буйруқнинг аҳамияти, умумий ҳарбий мажбурият, ҳарбий хизмат турлари, қақирувдаги янгича аъёналар, имтиёзлар хусусида тўхталиш ўринлидир.

Андижонлик радиоҳаваскор Анвар Мўйиновни кўнчилик хорик радиожурналистлари яхши билишди. У машхур Тур Хейердал халқаро экспедицияси аъзолари билан радиоалоқа ўрнатишга сазовор бўлган. 1997 йилнинг майида эса «Мир» космик кемаси билан ҳам боғланишга эришган.

Яқинда Анварнинг коинотда фаолият олиб бораётган халқаро космик станцияси экипажи билан боғланиб, фазогир Солижон Шарипов билан сўзлашишга муваффақ бўлди. Солижон радиоҳаваскор билан дилдан суҳбатлашди. У Ўзбекистон ҳақида кўп нарса сўради,

Ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги қақирув тўғрисида»ги қарори ва мудофиа вазирининг бу борадаги буйруғи матбуотда эълон қилинди. Ана шу қарор ва буйруққа асосан 2005 йил апрель-май ойларида муддатли хизматни ўтаб бўлганлар хизматдан бўшатилади ҳамда қақирув ёшига етганлар Қуролли Кучлар сафига қақирилади.

Президентимиз қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси 2005 йил 15 мартда «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларнинг ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервга бўшатиладиган ҳарбий хизматчиларни ашаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида» қарор ва шу қарорга илова тарзида Низом ишлаб чиқди.

Шу бос қарор ва буйруқнинг аҳамияти, умумий ҳарбий мажбурият, ҳарбий хизмат турлари, қақирувдаги янгича аъёналар, имтиёзлар хусусида тўхталиш ўринлидир.

## ФАЗОГИР БИЛАН СУҲБАТ

Ҳалқимиз Наврўз байрамини қандай нишонлагани билан қизиқди. Суҳбат сўнгида андижонлик қариндош-уруғлари, дўст-биродарларига, барча ҳамюртларига тинчлик-омонлик тилади. Анвар ҳам фазогирга парвозини муваффақиятли якунлаб, оиласи барига соғ-саломат қайтишига тилақдош эканлигини билдирди.

Ҳалқимиз Наврўз байрамини қандай нишонлагани билан қизиқди. Суҳбат сўнгида андижонлик қариндош-уруғлари, дўст-биродарларига, барча ҳамюртларига тинчлик-омонлик тилади. Анвар ҳам фазогирга парвозини муваффақиятли якунлаб, оиласи барига соғ-саломат қайтишига тилақдош эканлигини билдирди.

Ҳалқимиз Наврўз байрамини қандай нишонлагани билан қизиқди. Суҳбат сўнгида андижонлик қариндош-уруғлари, дўст-биродарларига, барча ҳамюртларига тинчлик-омонлик тилади. Анвар ҳам фазогирга парвозини муваффақиятли якунлаб, оиласи барига соғ-саломат қайтишига тилақдош эканлигини билдирди.

Гарун МАНШУРОВ,  
Аҳмадияно СОЛИЕВ

2-бет

Ватан ҳимояси — олий шараф

# МУҚАДДАС БУРЧ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

## УМУМий ХАРБИЙ МАЖБУРИЯТ

Дастлаб умумий ҳарбий мажбурият, деган тушунчага ва унинг нима мақсадда ташкил этилишига тўхталайлик.

Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларимизнинг Ватанимизни ҳимоя қилишга мажбурий ҳарбий тайёргарлиги ҳисобланади. Бундан мақсад — Қуролли Кучларимиз сафини тўлдириб ва уларнинг резервини тайёрлаб боришни таъминлашдан иборат.

## ХАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ ТУРЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» Қонунига мувофиқ мамлакатимизда ҳарбий хизматнинг тўртта тури: **муддатли ҳарбий хизмат, сафарбарлик чакруви резервидаги ҳарбий хизмат, контракт буйича ҳарбий хизмат, резервчилар хизмати жорий этилган.** Қуйида хизмат турлари қисқача таъриф берамиз.

**Муддатли ҳарбий хизмат** — чакрулиши ёшидаги фуқароларнинг оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида, шунингдек, муқаддам ҳарбий хизмати ўтамаган офицерларнинг кўнун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида Қуролли Кучлар сафидаги мажбурий хизматидир.

Муддатли ҳарбий хизмат мудатлари:

Оддий аскарлар учун — ўн икки ой (олий маълумотли шахслар учун — тўққиз ой);

Муддатли ҳарбий хизматни чакруви буйича офицерлар таркиби лавозимларида ўтаётган офицерлар учун — тўққиз ой қилиб белгиланган.

**Сафарбарлик чакруви резервидаги ҳарбий хизмат** — муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чакрулиш мудатини кеңитириш ва чакрулишдан озоод этилиш ҳуқуқига эга бўлган, бироқ Қуролли Кучлар сафига набатдаги муддат чакрулишнинг шартларини ҳудудий принцип асосида олий йиғинлар тарзида ташкил этиладиган хизмат туридир. Чакрулишчилар Ўзбекистон Республикаси

ликаси Молия вазирлигининг махсус ҳисоб варағига пул бадалларини тўлаши лозим.

Шу ерда бир нарсани алоҳида қайд этиш жоиз, маълумки, армияда хизмат қилувчилар сони тобора қисқармоқда, ҳарбий хизматда мажбурият сони эса ортиб бормоқда. Сафарбарлик чакруви резервидаги ҳарбий хизмат чакруви ёшидаги барча фуқароларни ҳарбий тайёргарликка жалб қилишни, уларнинг умумий ҳарбий мажбуриятни баҳаришини ҳамда Қуролли Кучларимиз резерви ҳарбий тайёргарликдан ўтган ёшлар билан тўлдирлишини таъминлайди.

Сафарбарлик чакруви резервидаги хизматга рўйхатга олинган шахслар 27 ёшга тўлгунга қадар ҳар йилги йиғинга жалб этилиши мумкин. 27 ёшга тўлгандан кейин улар Қуролли Кучлар резерви таркибига ўтказилади. Фавқулодда вазиятлар юз берган ва Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий таъҳузга ўй берган тақдирда улар ҳақиқий ҳарбий хизматга чакруриладилар. Ушбу хизматга жалб этилганлар муддатли ҳарбий хизматни ўтаганлар қандайдир ҳуқуққа эга бўлиша, улар ҳам ана шундай ҳуқуққа эга бўлишади. Бадални тўлаб, бир ойлик йиғинга жалб этилган, ҳарбий тўзимларда контракт буйича хизматга ва ҳарбий билим юртурларига ўқишга киришлари мумкин.

**Контракт буйича ҳарбий хизмат** — Қуролли Кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга иктирийлик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар орқали давлат билан тузиладиган контрактга биноан кирган фуқароларнинг бажарадиган ҳарбий хизмат тури бўлиб, мазкур хизматни касб тарқасида танлаган фуқаролар оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида контрактга белгиланган муддат ва шартларда ўтайдилар.

**Резервчилар хизмати** ҳақиқий ҳарбий хизматни, шунингдек, сафарбарлик чакруви резервидаги хизматни ўтаган оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар жумласидан бўлган ҳарбий хизматга мажбурият учун Қуролли Кучларнинг қўшимчала-

ри, қисмлари ва бўлинмалари сафини уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасига қадар тўлдириб, шунингдек, уруш даври тақозо этилган тузилмаларни қулайтириш мақсадида умумий ҳарбий мажбурият асосида жорий этилган ҳарбий хизмат туридир.

## ЧАҚИРИЛУВЧИЛАР

Ҳар бир ҳарбий бўлинмада ўқувчи ва таълим олиш учун тайёргарлигини бошлаб юборишда. Дастлаб мудофаа ишлари органлари томонидан жалб этиладиган мутахассис врачлар томонидан тиббий қўриқдан ўтказилади. Саломатлиги талаб даражасида бўлса, уларга гувоҳнома берилади. Уларнинг умумтаълим тайёргарлик даражасини ошириш учун халқ таълими органлари мазкур ҳисобланади.

Маълумки, амалдаги Қонунга кўра, ўн саккиз ёшдан йиғирма етти ёшгача бўлган йиғитлар Ватанга хизмат қилишга тайёр — чакрулувчи ҳисобланади.

Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизмат ва сафарбарлик чакруви резервидаги хизматга чакрулиши йилга икки марта: баҳарда апрель-май ойларида, кўзда эса октябрь-ноябрь ойларида ўтказилади.

## ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР

Мустанкилимиз тўғрисида тўбора шаклланиб бораётган миллий армиямизда янгича анъаналар пайдо бўлмоқда. Масалан, муддатли ҳарбий хизмат мудатларини ўтаб юзланган уйига кузатиш ва жойларда уларни тантанали равишда кутиб олиш табдилларини айтиш мумкин.

Шу ерда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз, қарор билан тантанали равишда Президентимиз, ҳукуматимиз муддатли ҳарбий хизматга чакрулишчиларга, хизматни ўтаб бўлганларга жўда катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатётганлиги амин бўлади.

Мудофаа вазирлиги қисм ва бўлинмаларида муддатли хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлганларни давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан бирга уларга айланадан байрамона кузатиш аниқ-айнан бўлади. Шу қўни энг илғор аскарларга ўқишга киришлари учун «Тавсиянома» танта-

нали равишда топширилади. «Тавсиянома» олганлар ўқишга киришда махсус имтиҳонга эга бўлади. Биринчи йил бахти чопмаганлар, кейин яна икки марта «Тавсиянома»дан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Аскар бўлиб хизмат қилганлар ватанпарварлик мактабини ўтган фуқаролар сифатида ишга жойлашишда ҳам устунлик ҳуқуқидан фойдаланишлари.

**Бугунги кўнда милицияга, ҳуқуқни муҳофиза қилиш органларига одатда армия мактабини ўтаган ёшлар қабул қилинишни ҳам ҳисобга олсак, ҳарбий малакага эга бўлган кишиларга эҳтиёт нечоғлиқ катта экани маълум бўлади.**

## ҚАРОР ВА БУЙРУҚНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ва Мудофаа вазирининг буйруғи набатдаги чакрувини белгиланган муддатда сифатли амалга ошириш ҳамда муддатли хизмат мудатларини ўтаб бўлган хизматчиларни резервга бўшатишда асосий ҳужжат ҳисобланади.

Юртбошимиз шундай таъкидлайди:

«Хеч бир касбни камситмаган ҳолда, шуни очиқ айтиш кераки, ҳарбий хизмат кишини даволат муқтаассисларига нисбатан кўпроқ мардлиқ, матонат ва фидойилик фазилатларини, ўз Ватани олдидаги бурчи ва қасамёда содиқлигини талаб этади».

Бу фидойиллик ҳаётининг ўзи тасдиқламақда. Мисолларга мурожаат этамиз.

Оддий аскар Сирожиддин Махмудовнинг отаси Мирза ака Махмудов шундай деди:

«Улим Термиз гарнизониде хизмат қилапти, — дейди биз билан суҳбатда. — Яқинда уйга қайтди. Бир неча марта командирдан «Ташаккурнома» олдим. Қўнруқ қилган эдим, ўлим қисмида тантанали кузатиш маросими бўлишини айтди. «Вақтин-гиз бўлса келинг, деди. «Рўхсат берсангиз, шартнома буйича хизматда қолмоқчиман», деди. Онали билан маслаҳатлашувдим, рози бўлди. Уша табриқга боришга тайёргарлик қўридим. Уғлимнинг Ватан қорига яратётгани, мен учун катта бахт.

Ҳа, Ватанга хизмат қилиш муқаддас бурч, олий шараф!

**Абдуразақ ОБРЎВ**

ЎзХДП янгилеклари

# МАҚСАД АНИҚ, НИЯТ ХОЛИС

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг III сайёр пленуми Китоб шахрида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП II пленумининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ва бошқа бир қатор масалалар муҳокама қилинди

Ҳеч шубҳа йўқки, ўтган сайловлар мамлакатимиз сиёсий ҳаёти ва парламентаризми тарихида янги даврни бошлаб берди. Ҳўш, бу воқеалар Қашқадарё вилояти, хусусан партия ташкилотлари фаолиятида қандай кечди?

— Партия Марказий Кенгашининг II пленумида сайловларнинг натижасига мўносиб баҳо берилди ва галдаги мўж- мунис вазифалар белгиланди, — деди ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Олим Раваданов. — Ҳозир партиямиздан вилоятимиз буйича сайланган 3 нафар Олий Махлис Қўнунчилик палатаси, 27 нафар вилоят Кенгаши, 203 нафар шахар ва туман Кенгашлари депутатлари фаолият кўрсатмоқда. Вилоят Кенгашидаги 8 та доимий комиссиянинг 6 тасига партиямиз аъзолари раҳбарлик қилишмоқда. Ушбу муваффақиятларнинг боиси шундаки, партиямизнинг Сайловлодди платформасида олға сурилган мақсад ва гояларни қўлаб фуқаролар қўлаб-қувватлашди. Энди амалий иш, мақсадларни рўёбга чиқариш набатдаги мўжим вазифа бўлиб турибди. Бу борда Марказий Кенгаш томонидан ишлаб чиқилган 2005-2009 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури асосий қўланмадир. Бу вазифаларни бажаришда қасаба уюшмалари, «Нуроний» жағгармаси, хотин-қиз-

лар ва ёшлар ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик қилишмоқда.

Маърузачи бошқа масалаларга ҳам атрофчи тўхтади. Жўмладан, 2004 йилда партия аъзолари сони қўпайган бўлса-да, янги аъзолар қабул қилиш Ко- сон, Миришкор, Яққабоб, Деҳқонобод тумани ташкилотларида қўнқарсиз аҳволда. Аъзолик бадаллари йиғиш ре- жисининг бажарилиши Нишон, Яққабоб тумани кенгашларида 57 фоиздан ошмади. Тўғри, ўтган йилги даромадлар харажатлардан қўп бўлди. Бироқ аъзолик бадаллари улўши ялпи даромаднинг 48,5 фоизини ташкил этади.

Музокараларда қатнашган ХДП Китоб туман кенгаши биринчи котиби Санжар Қўрбонов, Китоб тумани ҳокими Луқмон Гаффоров ўз сўзида ХДП аъзолари туман Кенгаши депутатлари орасида қўпчиликини ташкил қилиб, умумий ишга мўносиб ҳисса қўшаётганини алоҳида эътироф этидилар.

Қарши шахар кенгаши иккинчи котиби Комила Каромова, Яққабоб туман га- зетаси мўҳаррири Бозор Азизов, тиббиёт ҳодимлари қасаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Саодат Рўстамова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қарши шахар кенгаши раиси Нўмон Рашиқов, «Нуроний» жағгармаси Кас- би туман бўлими раиси Чўли Жўраев,

Қарши давлат университети доценти Абсалом Уроқов ва бошқалар жиддий мулоҳаза, тақлифларни билдирдилар.

ХДП Марказий кенгаши раиси Аслиддин Рўстамов ўз нутқида Президентимизнинг Олий Махлис Қўнунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ва Вазиравлар Маҳкамасининг янги таркиби билан ўтказилган йиғилишдаги нутқида баён этилган устувор вазифаларни амалга ошириш, уларни одамлар қалбига етказиш партия ташкилотининг диққат-эътиборида туриши лозимлигини таъкидлади. Партия МК II пленумида қабул қилинган қарорлар, Ҳаракат дастури, айникса, Олий Мах- лис Қўнунчилик палатасидаги партия фракцияси амалга оширишга киришган ишлар қўпчилиги эътиборини тортди. У фракция аъзолари бугун қандай янги қўнунлар устида меҳнат қилишга тани, қайси қўнунларга зарур ўзгаришлар киритиш тақлифларни билдиргани ҳақида батафсил тўхтади. Шунингдек, партия ички ҳаёти билан боғлиқ турини маса- лалар ҳақида ҳам кенг айтиш берилди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Олим Раваданов ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси этиб сайланди.

**Юнус УЗОҚОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мўҳбири

## ХОТИРА ТУРНИРИ

шаббўскорлиги билан партия нуфузини оширишга ўз хиссасини қўшган эди.

Турнирда партиянинг шахар ва туманларидан 100 нафардан ортиқ ёш спортчи иштирок этиди.

қизлар баҳсларида эса олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Шайло Курявовлар голийлигини қўлга киритишди. Уларга партия вилоят кенгаши таъсис этган қимматбаҳо совға ва фахрий ёрликлар топширилди.


**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

## КОРХОНА МАҲСУЛОТЛАРИ ХАРИДОРГИР

Андижондаги «ЎзДонг Жу Пенит Ко» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси йилига 3750 тонна автомобиль ҳамда 2000 тонна қурилиш ва саноеат буюклари ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона асосан Асақада ишлаб чиқарилаётган «ЎзДЭУ» русумидаги автомобиллар учун ўттиздан ортиқ рангдаги буюк маҳсулотлари етказиб бериш билан шуғулланади. Йил бошидан 500 тоннадан ортиқ автомобиль ҳамда 300 тонна қурилиш ва саноеат буюклари харидорларга етказилди.

Айни пайтда қўшма корхонада 226 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Улар учун барча шариот яратилган. Ишга келиш ва уйлари- га қайтишлари учун автотранспортлар улар ихтиёрида. Бундан ташқари, корхона ходимлари бир маҳал бепул овқат билан ҳам таъминланган. Ҳозирда корхона мута-

хассислари маҳсулот тури- ни янада қўпайтириш билан бирга, унинг таннархи арзонлаштириш бора- сида изланиш олиб бормоқда.



Суратларда: қўшма корхона хўлиси; Андижондаги «ЎзДонг Жу Пенит Ко» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси буюк тайёрлаш цехи оператори Бахтиёр Зўриқидинов. **Ш.ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар**

## АТРОФ-МУҲИТ ЯШИЛЛИГИ

инсон соғлиги учун хизмат қилади

Самарқанд давлат университети биология факультети қошидаги иссиқхонада 200 дан зиёд ўсимлик турлари мавжуд.

— Бу ерда асосан Ўзбекистон набототида хос бўлмаган турли хил ўсимликлар ва дов-дарактлар ўстириламиз, — дейди **ФАКУЛЬТЕТ ДЕКАНИ ХУДОЁР КЕЛДИЁРОВ.** — Хиш-

рав қўргонда жойлашган 30 гектарлик ботаника боғи ҳам талабалар ва ёш олимлар учун таъриба майдонини ўтапти. Магистр, аспирант ва илмий тадқиқотчиларимиз хориз набототида хос фойдали ўсимликлар ва дарактларни топши, ўрганиш, қўпайтириш ҳамда муҳофиза қилиш устида қатор илмий

изланишлар олиб боришга я...

Дарвоқе, изланишлар бе- самар кетмапти. Утган йили университетте хиёбонига экиш учун сальвия, қўқонгул, мой- чечак, гамфрена каби қўлаб гул қўчатлари етиштириб бе- рилди. Кейинги йилларда ис- сиқхонада эман, сарв, қрим қайрағочи, қаҳва каби ноёб

дарахтлар парвариши ҳам йўлга қўйилди. Шунингдек, факультет жамоаси яқинда магнология дарахтини ҳам қўпайтириш ва шахар кўча- ларига ўтказишни таъсия қил- ди. Шу кўнларда ўз чиройи ва хушбўй гуллари билан ҳар бир қалбаг завқ бағишловчи бу тур дов-дарахтларни кўча- лар ва хиёбонларга ўтказиш ишлари авж олиб кетди.

**Шўхрот ҚАРШИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» мўҳбири

## Тадбиркор ҳимояси

Юртбошимиз Олий Махлис Қўнунчилик пала- таси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида республикани модернизаци- я ва ислоҳ этиш буйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида тўхталиб, тадбиркор- лик, бизнес ва хусусий секторга нисбатан муносабатни тубдан ўзгарти- риш, улар фаолиятига но- ҳолис қарашдан бутунлай воз кечиш, аксинча, ушбу йўналишда иш юритаёт- ганларнинг манфаатлари ва қўнуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъмин- лаш фўрсати етганлигини алоҳида таъкидлади.

Утган йили Адлия ва- зирлиги ва унинг жойлар- даги идораларига қўнуний ҳуқуқ ва манфаатлари бу- зилган тадбиркорлар, фуқаролар ва хорихий ин- весторлардан жами 10617 та ариза ва шикоят келиб тўшди. Бу кўрсаткич 2003 йилга нисбатан **3469 тага** ошган. Уларни қўриб чи- қиш натижасида 8164 та (77 фоиз) мурожаат ўз тасдиқини топди ва тад- биркорларнинг ҳуқуқлари тикланди. Масалан, Сурхондарё

вилояти Ангор туманидаги «ЖС Арсенал» хусусий фир- маси раҳбари В.Жалилов- нинг туман ДСИ ходимлари томонидан текшириш ўтказилганлиги ва тафтиш яку- ни буйича молиявий жари- ма қўлланилганлигини хо- рожи бўлиб ёзган аризаси ўрганиб чиқилди. Натижада вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтган йилнинг 24 сентябрида вилоят солиқ бошқармасига қўнунбузи- лишларни бартараф этиш ҳамда қўлланилган молия- вий жаримани бекор қилиш, айбдор шахсларни қўнунга мувофиқ жазога тортиш тўғрисида тақдимнома кири- тилди. Унга асосан хусусий фирмага қўлланилган 7 миллион 894 100 сўмлик молиявий жарима бекор қилинди. **Қўнунбузилишларга йўл қўйган туман ДСИ бошлигининг биринчи ўринбосари Ф.Ҳакимов ва бош инспектор А.Файзуллаев** эғаллаб турган лавозимидан озоод қилин- ди. **Инспекция бош инспектори Х.Ураловга «хайфсан» ва бош инспектор О.Бобоевга жарима жазоси қўлланилди.** Утган йил давомида адлия органлари судларга 22294

та даъво аризаси кирит- ди. Шу жўмладан, шарт- номавий муносабатлар буйича 102,6 миллиард сўмлик ва чет эл инвес- торларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида 18,4 миллиард сўмлик ва 7,2 миллион АҚШ долла- ри миқдоридеги даъво аризалари киритилди. Тадбиркорларнинг қўнуний ҳуқуқ ва манфаатлари

га Фиживон туманида фа- лолият кўрсатаётган «Амир-бек-Азиза» хусусий фир- маси раҳбари У.Ражабов- нинг «Уйжойжағгарма- банк» Бўҳоро бўлими то- монидан ҳисоб рақамиде- га пул маблағидан фой- даланишда тўсқинлик бўлаётганига тўғрисида- ги мурожаати ўрганилди. Натижада хусусий фир- маннинг «Каттақўрғон ёғ-мой»

# НОҚОНУНИЙ ЖАРИМА

ЭКИ ХУСУСИЙ СЕКТОР ФАОЛИЯТИГА ТўСИҚ БўЛАЁТГАН АЙРИМ КАМЧИЛИКЛАР ҲАҚИДА

бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва қўнуний чора- лар кўриш мақсадида Ад- лия вазирлиги ва унинг жойлардаги идораларида «Ишонч телефон»лари ўрнатилган. Хусусан, ўтган даврда бу телефонлар ор- қали 1427 та қўнғироқ бўлди. Шундан 851, яъни 60 фоизнинг ҳуқуқлари тикланди. Уларнинг 573 тасига ҳуқуқли маслаҳат берилди. Масалан, Бўхо- ро вилоят Адлия бошқар- маси «Ишонч телефони»-

ОТАЖга 20,7 миллион сўм миқдоридеги пул маблағи- ни ўтказиб бериш учун тақдим этган тўлов топши- рикномаси банк томони- дан асоссиз равишда ижро этилмасдан келин- ганлиги аниқланди. Тақ- димнома киритилди. Унга асосан хусусий фирманing пул маблағлари тегишли қўнун ўтказиб берилиб, қўнун бузилиш ҳолатига йўл қўйган банкнинг бош хисобчиси Т.Рахимовга «хайфсан» интизомий жа-

зоси белгиланди. Ҳўш, тадбиркорларнинг эътирозига нималар сабаб бўлмоқда? Буни билиш мақсадида ўтган йили 14 миңдан ортиқ тадбиркор (шундан 985 таси хорихий инвестиция- лар иштирокидаги корхона- лар) орасида сўров ўтқа- зилди. **Маълум бўлишича, тадбиркорларнинг акса- рияти рўйхатга олиш, ер,**

ло Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбир- корлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтқа- зиш тартиботлари тизими- ни тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори талаб- лари бузилиш ҳолатлари ка- майгани йўқ. Шаҳар ва ту- ман ҳокимликлари хузурида- ги тадбиркорлик субъектла- рини давлат рўйхатидан ўтқазиш инспекциялари то- монидан 2004 йилда 15629 та хрлатда мудатлар бузи- лиши, тадбиркорлардан ор-

тинча ҳужжатлар талаб қилиш, ортиқча давлат божи ундириш ва коммуникация соҳаларида уланшини илгариги ҳолига ташлаб қўйиш каби қўнунбу- зарликларга йўл қўйилган. Бундай ҳолатлар асосан На- манган (3187), Бўҳоро (2000), Жиззах (1303), Фарғона (1399) ва Хоразм (1516) вилоятлари- да содир этилган. Масалан, Тошкент шахрида фаолият кўрсатаётган «Агротаминот» хусусий фирмаси таъсис ҳўж- жатларига ўзгартириш киритиш учун Ҳамза тумани ҳоким- лиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйха- тидан ўтқазиш инспекцияси му- рожаат қилади. Лекин ушбу мурожаат белгиланган мудат- да ижро этилмасдан келинган. Ҳозирда таъсис ҳўжзаси- дан шахар адлия бошқармаси томонидан Тошкент шахар фуқаролик ишлари буйича Ми- робод туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суднинг 2004 йил 14 декабри- даги ҳал қилув қарори билан тадбиркор Б.Ботиров фойда- сига жавабдорлар — инспек- ция бўлими бошлиғи Ш.Ша- рапов ва бош мутахассис А.Ра- жаповдан етказилган маъна- вий зарар ундириб берилди.

Ақсарият идора ва ташки- лотлар томонидан ижро ин- тизомига бефўрқлик, тадбир- корларнинг ариза ва шикоят-

ларини рўйхатга олмаслик, уларни қўриб чиқиш мудат- ларига риоя қилмаслик ёки асоссиз равишда, ҳатто қўнунларга зид бўлган жа- воблар боририш ҳолатлари ҳам мавжуд. Хусусан, Сур- хондарё (1649), Сирдарё (1384) вилояти ҳокимликлари, солиқ, давлат ёнгин хавфсизлиги бўлимлари ва бошқа назорат қилувчи идо- ралар, тижорат банклари ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш бўлимлари ана шундай қўп қўнунбузарликларни содир этишган. Адлия идо- ралари айбдор шахсларга нисбатан қўнуний чора қўришни сўраб, вилоят ҳокимлари ва вазирлик раҳ- барлари номига 54 та тақ- димнома киритди.

Албатта, мамлакат иқти- содиёти истиқбол тадбир- корликнинг ривожланишига боғлиқдир. Бу йўлдаги ҳар қандай гов ва асоссиз тўсиқларга муроасиз бўли- шимиз керак.

**Абдували АБДУЛАЕВ,**  
Ўзбекистон Республика- сии Адлия вазирлиги  
**Тадбиркорлар**  
**хуқуқларини ҳимоя**  
**қилиш бошқармаси**  
**бўлими бошлиғи вази-**  
**фасини бажарувчи,**  
**Бекзот МАВЛОҲОВ,**  
**бошқарма катта**  
**маслаҳатчиси**





Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги футбол мактаб-интернатига бир назар ташласак, бу даргоҳда кўплаб истеъдодли ўйинчилар камол топанлигига гувоҳ бўламиз. Биргина кейинги уч-тўрт йил ичида мазкур масканда тахсил олган Александр Гейнрих («Пахтакор»), Илёс Зейтуллаев («Реджина», Италия), Шавкат Раймукулов («Навбахор»), Ислом Иномов («Пахтакор»)лар бугунги кунда ўз клубларида энг етакчи футболчилардан саналмоқда.

Кўпчиликнинг хабари бор, ҳозирги кунда мамлакатимиз тажрибали футболчиларидан анчагинаси республикамиздан ташқарида — Россия, Украина ва Қозғистон клубларида тўп сурмоқда. Легионерларимиз орасида ангрелик Илёс Зейтуллаев эса футболимиз тарихида илк бора «Кўҳна қиъа» сари йўл очган ўйинчи бўлиб қолади. Ававалига икки масвум «Ювентус» фарм-клубида фаолият кўрсатган ҳамюртимиз, бу йилдан эътиборан «Реджина» сафига қўшилди. Эслатиб ўтамиз, туринлик фарм-клуби тарихида Зейтуллаев «Примовера» чемпионатида тўлиқ қатнашди. 2004 йилги мавсумда клуб раҳбарлари ҳамюртимизнинг ўйинларидан кўнглилари тўлган ҳолда Италия кубогини баҳслардан уни «Сампдория» жамоасига қарши ҳар икки учрашувда ҳам майдонга туширишди. Ўзбекистон чемпионати олий лига мусобақаларининг ўринбосарлари баҳсларига тўри келадиган «Примовера»дан асосий тарихига ўтиш Зейтуллаев учун катта ютуқ эди. Мана нихоят, шу йилнинг 19 март куні нафақат Зейтуллаевлар оиласи, балки бутун бир ўзбек футбол тарихи учун унутулмас воқеа оз берди. Жаҳоннинг кучли миллий чемпионатларидан бири ҳисобланган Италия «А» серияси ўйинларида ўзбекистонлик футболчи ҳам майдонда ҳаракат қилди.

Юртимиз футболчи мустақиллик йилларида кенг қулоч ёйиб ривожланиш йўлига кирди. Ютуқларимиз ичидан маҳоратли ўйинчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида, нисбатан ички чемпионатлари кучлироқ бўлган давлатлар клублари таркибидан мустақам ўрин эгаллашганини таштаклаш жоиз. Муҳлисларимиз бугунги кунда Максим Шацкихнинг «Динамо» (Киев), Николай Шишов ва Андрей Аккопянларнинг «Ростов» (Ростов Дон), Евгений Сафоновнинг «Шинник» (Ярославль), Марат Бикмаевнинг «Крылья Советов» (Самара)да ўйнаётганликларидан хабардор. Энди улар қатарига «Реджина»да тўп сурётган Илёс

# БИРИНЧИ БЎЛИШ БАХТИ

Мамлакатимизнинг иқтидорли футболчиларидан бири, ҳозирда Италия чемпионати олий дивизионида тўп сурётган Илёс ЗЕЙТУЛЛАЕВ ҳақида

Зейтуллаев ҳам қўшилди. Шу ўринда асосан МДХ республикаларида ўйнаётган легионерларимизнинг маҳоратларини камситмаган ҳолда масаланнинг нозик бир жиҳатига ургу бериб ўтмоқчимиз. Футболчиларимизнинг Россия, Украина, Молдова, Қозғистон клубларида йўл олишларида айтарли қийинчиликлар кўзга ташланмади. Бироқ футболга ривожланган, савия даражаси эса дунёда биринчи ўринда турадиган Европа клублари таркибига қўшилиш ҳазилакам гап эмас.

Бугун Зейтуллаевни таъбир жоиз бўлса, профессионал бокс оламига илк бор йўл очган спортчиларимизга қиёсласак тўри бўлади. Насиб этса, эрта-инди «Кўҳна қиъа» клубларини юртимизнинг кўплаб истеъдодли футболчилари забт этишади. Илёс Зейтуллаев эса Европага унган биринчи «қалдирғоч» бўлиб қолади.

Илёс 1984 йилнинг 13 август куні Ангрен шаҳрида Бикер ака ҳамда Лютфия опа Зейтуллаевлар оиласида таваллуд топди. Уша пайтада унинг отаси собиқ иттифок чемпионатида иштирок этган «Шахтёр» (Ангрен)

жамоасида мураббий эди. Айнан отаси унинг келажакда футболчи бўлиб етишишга сабабчи бўлди. Бикер ака ҳар доим ўғлини стадионга етаклаб борарди. Илёс Ангрендаги футбол мактабида қисқа муддат таълим олган, пойтахтдаги ҳозирги Республика Олимпия захиралари коллежига ўқишга келди. Бу ерда у мураббий Ринат Абкелямов қўл остида футбол сир-асрорларини ўрганди.

Орадан икки ярим йил ўтган, МДХ мамлакатларидан бир гуруҳ истеъдодли ёшлар Москвадаги футбол Академиясига ўқишни давом эттириш учун қилиб

тимиз ҳақиқий профессионал футбол ҳадисини олиб ҳам улгурди. Мамлакатдаги ёшлар, кейинчалик эса миллий терма жамоага номзод этиб қақирилиши ҳам бунга мисол бўла олади. 2004 йили Зейтуллаев 20 ёшга тўлди. Италия мамлақати футбол қоидаларига кўра футболчимиз фарм-клуб сафидан чиқарилди. Энди бу ёғига «Ювентус»нинг асосий таркибига ўтиши билан бирга фарм клубдаги дўсти, украиналик истеъдодли футболчи Виктор Будянский ҳам ўзининг кейинги тақдирини белғилаб олиши зарур эди. Икки футболчи Италия «А» сериясидан кейинги ўринларда турувчи «В» ва «СН» серияларидан, шунингдек Россия клубларидан ҳам таклифлар тушаётганди. Будянскийдан фарқли ўлароқ, ҳамюртимиз «А» серияда қолишни афзал

билди. 2005 йил қиш фаслида Европада айни трансфер бозори қизганида «Ювентус» раҳбарлари Италияда машҳур бўлган «Меркато» — футболчилар олдидан берилган шартнома шартларини қўйиб беришди. Илк бор Зейтуллаев истеъдодли Франциянинг етакчи клуби — «Бордо»нинг танловчи (селекционер) мураббийлари пайкаб қолишди. Бироқ баъзи сабабларга кўра, ўшанда шартнома имзоланмади. Орадан уч ой ўтган, 2000 йил охирида Москвада академияси талабалари Голландиянинг Фейеноорд шаҳридаги турнирга таширғи буюришди. Бу сафар ҳамюртимизга энди Италиянинг номдор «Ювентус» клуби мураббийлари кизиқиб қолишди. Ўз қарорларида қатъий туриб олган туринликлар раҳбарияти 2001 йили Илёс Зейтуллаев билан кейинги мавсумга шартнома имзолашди. Унга кўра, 16 ёшли ўзбекистонлик йигит «Ювентус»нинг фарм-клуби аъзосига айланди. Италия футбол тартиб-қоидаларига кўра, Зейтуллаев дастлаб «Примовера» чемпионатида тўп суриб, мукамал шаклланиши керак эди. Қайсидир маънода ҳамюр-

тимиз ҳақиқий профессионал футбол ҳадисини олиб ҳам улгурди. Мамлакатдаги ёшлар, кейинчалик эса миллий терма жамоага номзод этиб қақирилиши ҳам бунга мисол бўла олади. 2004 йили Зейтуллаев 20 ёшга тўлди. Италия мамлақати футбол қоидаларига кўра футболчимиз фарм-клуб сафидан чиқарилди. Энди бу ёғига «Ювентус»нинг асосий таркибига ўтиши билан бирга фарм клубдаги дўсти, украиналик истеъдодли футболчи Виктор Будянский ҳам ўзининг кейинги тақдирини белғилаб олиши зарур эди. Икки футболчи Италия «А» сериясидан кейинги ўринларда турувчи «В» ва «СН» серияларидан, шунингдек Россия клубларидан ҳам таклифлар тушаётганди. Будянскийдан фарқли ўлароқ, ҳамюртимиз «А» серияда қолишни афзал

билди. 2005 йил қиш фаслида Европада айни трансфер бозори қизганида «Ювентус» раҳбарлари Италияда машҳур бўлган «Меркато» — футболчилар олдидан берилган шартнома шартларини қўйиб беришди. Илк бор Зейтуллаев истеъдодли Франциянинг етакчи клуби — «Бордо»нинг танловчи (селекционер) мураббийлари пайкаб қолишди. Бироқ баъзи сабабларга кўра, ўшанда шартнома имзоланмади. Орадан уч ой ўтган, 2000 йил охирида Москвада академияси талабалари Голландиянинг Фейеноорд шаҳридаги турнирга таширғи буюришди. Бу сафар ҳамюртимизга энди Италиянинг номдор «Ювентус» клуби мураббийлари кизиқиб қолишди. Ўз қарорларида қатъий туриб олган туринликлар раҳбарияти 2001 йили Илёс Зейтуллаев билан кейинги мавсумга шартнома имзолашди. Унга кўра, 16 ёшли ўзбекистонлик йигит «Ювентус»нинг фарм-клуби аъзосига айланди. Италия футбол тартиб-қоидаларига кўра, Зейтуллаев дастлаб «Примовера» чемпионатида тўп суриб, мукамал шаклланиши керак эди. Қайсидир маънода ҳамюр-

тимиз ҳақиқий профессионал футбол ҳадисини олиб ҳам улгурди. Мамлакатдаги ёшлар, кейинчалик эса миллий терма жамоага номзод этиб қақирилиши ҳам бунга мисол бўла олади. 2004 йили Зейтуллаев 20 ёшга тўлди. Италия мамлақати футбол қоидаларига кўра футболчимиз фарм-клуб сафидан чиқарилди. Энди бу ёғига «Ювентус»нинг асосий таркибига ўтиши билан бирга фарм клубдаги дўсти, украиналик истеъдодли футболчи Виктор Будянский ҳам ўзининг кейинги тақдирини белғилаб олиши зарур эди. Икки футболчи Италия «А» сериясидан кейинги ўринларда турувчи «В» ва «СН» серияларидан, шунингдек Россия клубларидан ҳам таклифлар тушаётганди. Будянскийдан фарқли ўлароқ, ҳамюртимиз «А» серияда қолишни афзал

## БОШ МУРАББИЙ ЎЗГАРДИ

2006 йили Германияда бўладиган жаҳон чемпионати Осиб минтақаси «А» гуруҳи саралаш учрашу-ларида қатнашаётган Ўзбекистон терма жамоаси биринчи дара ўйинларини муваффақиятсиз ўтказди. Дастлабки ўйинда Саудия Арабистони билан дун-ранг натижа қайд этилгандаёқ кўпчиликнинг жамоа-миз ўйинидан кўнгли тўлмаганди.

Қисқа муддатли таънаффусдан сўнг терма жамоа-миз аъзолари яна йиғилди. Бу пайтада мавсум бо-шланган, футболчиларимизнинг жисмоний ҳолати жойида, қуллас ўйинчиларимиз яхши натижа қўр-сатиши учун барча шароитлар муҳайё эди. Аммо Юр-ген Геденинг уч ҳимоячи билан ўйнаш тактикаси гуруҳда нисбатан кучсиз ҳисобланган қувватлиқлар-нинг қарши ҳужумларига дош беролмади — 1:2.

Терма жамоамизнинг наватдаги учрашуви са-фарда Жанубий Корея терма жамоасига қарши бўлиб ўтди. Кореяликлар гарчи дунёнинг етакчи тер-ма жамоаларидан саналса-да, бемалол дуранг на-тижага эришишга қўрбимиз етарди. Лекин бош му-раббийимиз танлаган услуб наватдаги малғубият-га сабаб бўлди — 1:2. Бу эса футболчиларимизнинг жаҳон чемпионати финал босқичига чиқиш имкони-ятини сезиларли даражада насайтириб юборди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон футбол федерацияси миллий терма жамоаси мураббийлар таркибини ўзгартиришга қарор қилди ва Юрген Гедени истеъ-фода чиқарди. Энди мамлакатимиз миллий терма жамоасини вақтинча Равшан Хайдаров бошқаради.

**Анвар САМАДОВ**

### Спорт

#### ЛАС-ВЕГАСДАН МАФРУР ҚАЙТИШДИ

Лас-Вегас (АҚШ)да қара-тэ бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида аънанавий халқаро турнир нихоясига етди. Дунё-нинг ўттиз икки давлатидан ёш қара-тэчилар иштирок эт-ган мазкур нуфузли мусоба-қада Ўзбекистон терма жамоа-си ҳам муваффақиятли қат-нашди.

Унда вакилларимиздан Сар-дор Назаров, Асрор Абулфа-тов, Берган Исоқов, Рустам Рўзиев, Амирбек Ҳакимов, Мухтор Расуллов, Бахтиёр Ра-ҳмонов олтин, икки қумуш ва битта бронза медали билан тақдир-ландилар.

Шу йил 13-15 май кунла-ри пойтахтимизда илк маро-таба болалар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон очик чемпионати уюштирилди, — дейди мамлакат терма жамоа-си бош мураббийи Бурхон Раҳмонов. — Ушбу мусобақа-да нафақат республикамиз қара-тэ клублари, балки қўшни давлатлар, шунингдек, Озар-байжон, Туркия, Россия, Гре-циядан ҳам ёш қара-тэчилар ғойалик учун татамига чиқа-дилар. Лас-Вегас турнири ёшларимиз учун ана шундай йирик мусобақа олдидан му-ҳим синов вазифасини ўтади.

#### КЛИЧКО ЎГИЛЛИ БЎЛДИ

1 апрель куні Лос-Анжелесдаги «Сedars-Sinai» тиббиёт марказида Виталий Кличконинг рафикаси На-талья Кличко ўғил қўрди. Бу оила-даги иккинчи ўғил бўлиб, унга Максим деб исм қўйишди. Она ва боланинг соғлиқлари яхши.

«Ўғил қўришим мен учун унутил-мас ва бахтли кунлардан бири бўлиб қолади, — дейди моҳир боксчи. — Мен Наталья билан оиламизда учта фарзанд бўлишини орзу қилар эдик. Ниятларимиз рўбёга чиқди. Наталь-ядан беҳад миннатдорман».

Эслатаемиз, Виталий билан Наталь-я яна 5 ёшли Егор-Даниэль ҳамда икки ёшли Элизабет-Викторияни ҳам тарбиялашмоқда.

#### ЦЗЮ БЎШ КЕЛМОҚЧИ ЭМАС

Бокс бўйича биринчи ярим ўрта вазндаги мулқак жаҳон чемпиони Константин Цзо наватдаги рақиб, англиялик Рики Хаттоннинг бўш жойи — қовонинг жараҳат олганидир, демоқда. Шунингдек, Цзонинг фикрига қараганда, учрашув бўладиган 4 июнь кунги жаңг қизгин тус олади.

Айни пайтада Цзо рақибни ҳам аноий эмаслигини эътироф эт-моқда.

Цзо бўлажақ жаңга пухта ҳозирлик кўрмоқда. Хаттон жаңг пайтида кўпроқ зарбни кўкрак қисмига йўналтиради. Шунинг учун ҳам Цзо ўз танасининг ана шу еридаги мушакларини ривожлантиришга аҳамият бермоқда. Австралия фуқаролиги ни олган россиялик боксчи Канберра марказида кунига 6 со-атдан машғул ўтказмоқда.

Цзо мазкур жаңг учун 3,5 миллион долларга эга бўлиши мумкин.

### «МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР» КЎРГАЗМАСИ

Кадим Бухоронинг Кўқалдош обидасида «Миллий либослар» кўргаз-маси бўлиб ўтди. «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ташкил этган ушбу кўргазмада жамоатчилик вакиллари, тарихчи ва этнограф олимлар, хоризжлик сайёҳлар ҳамда журналистлар иштирок этидилар.

Юртимизда Наврўз нафаси кезиб юрган ҳамда сайёҳлик мавсуми бошланиётган шу кунларда кўргазмани ўтказишдан мақсад — халқи-мизнинг ўзига ҳосиллигини намойиш этидан қийиниш маданиятига эъти-бор қаратиш, миллий ўрф-одатларимиз ва аънанавийимизни тарғиб этишдан иборат, — дейди жамғарма Республика бошқаруви раиси Амиркул Каримов. — Кўргазма жараёнида халқимиз турли мавсум ва маросимларда бетакор либослар кийгани, гузаллик ва амалийликнинг санъаткорона омухталлигига эришганига амин бўлидик.

Кўргазманинг Кўқалдош ёдгорлик мажмуасида ўтишига сабаб — обида сайёҳлик йўналишига қиритилгани ва бу ерда жамғарма қошидаги Ама-лий санъат маркази ҳам ўш бошлангандидир. Эндликда Бухори ша-риф меҳмонхонаси бу ерда ҳўрмардилик намуналари билан бир қаторда миллий ва мумтоз, фольклор санъатимизни намойиш этидан кўргаз-ма ва шоу намойиши мўтазам йўлга қўйилади. Дастурда миллий ли-босларимиз тарғиботи ва ташвиқоти ўзига хос ўрин тутди.

**(Ўз муҳбиримиз)**

#### УСТА МУҲАММАДСОДИҚ АКА



Муҳаммадсодиқ акани дўстлари, яқинлари «юздан нур тараладиган уста» дейишади. Бу бежиз эмас, албатта. Ушбу су-ратни кўрганингизда бунга яна бир бор амин бўласиз. Иста-раси иссиқ, нихоятда самимий бу инсон бувайдаллик бўлиб, ўзбек чолгу асбобларини меъ-ёрига келтириб ясаида донг чи-карган.

Уста яратаётган рубоб, тор, лижжак каби мусиқа асбоблари пишиқ ишланган, чалишда ўнғай ва чиройлидир. Эҳтимол, Му-хаммадсодиқ аканинг падари бузрукворни машҳур ҳофиз бўлмаганида, у бошқа ҳўнар эга-си бўлиши ҳам мумкин эди. У отаси Ўзбекистон халқ ҳофизы Расул қори Мамадалиевнинг тарбиясида камолга етди. Бу эса устани мумтоз кўй-қўшиқ-лар ихлосмандига, қолаверса, созалари ясашга даъват этди.

Айни чоғда Муҳаммадсодиқ ака изланишда. Ҳар бир дақиқа унга қадрли. Созларни янада мукамал яратиш баробарида ўғиллари Дилёр, Одилжонни ҳам ёнига олиб, устачилик сир-ларини ўргатапти.

**Суратда: Муҳаммадсодиқ Мамадалиев. Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат**

Хикматли сўзлар маънос

#### ЧИН КЎНГИЛДАН ЙИГЛАСАН, СЌҚИР КЎЗДАН ЁШ ЧИҚАР

(сўқир — кўр.) Бу мақол билан: «Ишга жону дилинг қилиб қиришсанг, энг мушуқ, қилиб бўлмайди-гандай тўлопадиган ишнинг ҳам уддасидан чиқасан», деган маъ-нода насихат қиладилар.

«Чет тили ўқитувчиси келди, — деди Нишонов Саодатхонга ўпи-рилиб, — юборишди. Чин кўнгилидан йигласанг, сўқир кўздан ёш чиқар, деганлар. Қийин-қи-стова олганингиз учун, мана ўқитувчи ҳам топилиди. (С.Зунну-нова. Повесть ва ҳўқолялар).

«Ҳавас бўлса, анқонинг уруғи ҳам топилади» (анқо — гўё қоф тоғида яшаган афсонавий катта қуш. Унинг ўзи ва уруғи (тухуми) йўқ, сира топилмайдиган ёки гоғт кам учрайдиган нарсанинг рамизи сифатида ишлатилади).

#### ЧўКАЁТГАН — ЧўПГА ЁПИШАР

«Халқоқата учраётган одам ҳар бир қичик нарсадан ҳам наҳот қўтади», дейилмоқчи. Худди: «Чўкаётган чўпта тирмашар» деганларидек, шоша-пиша ўзини оқчайдиган фактлар қўдига бошладим» (О.Еқубов, «Бир фелъетон қўссаси»).

### Луқма

#### «ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР» ҚАНИ?

Мамлакатимизда улғу шоир — ҳазрат Мир Алишер Навоий номи билан аталувчи вилоят, туман, олий ўқув юр-тлари, кўчалар, театрлар, ис-тироҳат боғлари, метро бекат-лари, мактаблар, музейлар борлигини ҳаммамиз била-миз. Ҳатто бобокалонимиз хо-тирасига хоризж мамлакат-ларида ҳам хайкаллар ўрнатил-ганидан хабардоримиз. Арзий-

ди. Фахрланамиз! Лекин яқинда мен Тошкент метрополитенининг Алишер Навоий бекатида қизик бир ҳолатга дуч келдим. Илгарилари эътибор бермаган экан-ман, шекилли, аммо бу гал даб-дурустан хайратда қол-дим... Шоирнинг шоҳ асарла-ри — «Хамса» дostonларининг рамзий суратлари билан бе-затилган бекат деворларига

нигоҳ ташлайман: «Садди Ис-кандарий», «Сабъан сайёр», «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин»... Ие... «Хайрат ул-аброр» қани? Балки жой етмаганими ё кўздан қочирдимми, деб бе-катни яна айлаиб чиқдим. Чиндан ҳам «Хайрат ул-аброр» йўқ эди... Нера?.. Қизиқ?! **Ойдин САЪДУЛЛАЕВА, ЎзДЖТУ талабаси**

**ТАХРИРИЯТДАН: Луқмаи чоп этишдан олдин, биз Тошкент метрополитени раҳ-бариятига мурожаат қилдик. Метрополи-тен бошлиғи ўринбосари Р.ТОХИРОВдан олисанган жавобда мазкур ҳолат қуйидаги-ча шарҳланди:**

«Тошкент метрополитенининг Ўзбекистон йўналишидаги бешта: «Алишер Навоий», «Ўзбекистон», «Космонавтлар», «Ойбек» ва «Тошкент» бекатлари 1984 йилда ишга туши-рилган. Ушанда «Алишер Навоий» бекати жи-ҳозланишида халқимизнинг буюк шоири Али-шер Навоийнинг «Хамса» асарининг бир неча композициялари олинган. Улар рессом Чин-ғиз Акмаров томонидан яратилган.

Ҳозирги кунда метрополитендан фойдала-наётган йўловчилар сонининг кўпайганилиги сабабли «Пахтакор» бекатидан «Навоий» бе-катиға қўшимча ер ости ўтиши йўлининг лойи-ҳаси тайёрланапти. Лўйликда буюк шоир ва алломанинг барча асарларидан композиция-лар қиритилиши кўзда тутилган.

**Туғатилди.** Давво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: 132-25-05.

<b>BOSH MUHARRIR:</b>
<b>Safar OSTONOV</b>
<b>TAHRIIR HAY'ATI:</b>
<b>Abdulla ORIPOV</b> <b>Asliiddin RUSTAMOV</b> <b>Ashur QODIROV</b> <b>Bobir ALIMOV</b> <b>Habib SA'DULLA</b> <b>Farruh HAMROEV</b> (Bosh muharrir o'rinbosari)
<b>birinchi o'rinbosari</b> <b>Alimqul SULTONOV</b> (Bosh muharrir o'rinbosari)
<b>Andrey ORLOV</b> (Bosh muharrir o'rinbosari)
<b>Norbobo SHAKAROV</b> <b>Nomoz SA'DULLAYEV</b> <b>To'lepbergen QAIPBERGENOV</b> <b>Muslihidin MUHIDDINOV</b> <b>Olim MURODOV</b> <b>Abdug'ani MAMASODIROV</b> (Mas'ul kotib)
<b>MUASSIS:</b>
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
<b>BO' LIMLARI:</b>
<b>Siyosat, partiya va xalqaro hayot</b> 133-44-55
<b>Ma'naviyat va ma'rifat</b> 133-69-45
<b>Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot</b> 133-20-36
<b>Parlament va huquq</b> 136-76-21
<b>Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik</b> 133-21-43
<b>Xatlar va omaviy ishlar</b> 133-12-56 (Tel. Faks)
<b>Mas'ul kotib</b> 133-72-83
<b>Reklama va e'lonlar</b> 133-38-55, 133-47-80
<b>VILOYAT MUXBIRLARI:</b>
<b>Andijonda —</b> 25-32-70
<b>Buxoroda —</b> 222-10-92
<b>Gulistonda —</b> 25-03-80
<b>Jizzaxda —</b> 5-49-85
<b>Navoiyda —</b> 3-39-20
<b>Namanganda —</b> 6-43-43
<b>Nukusda —</b> 222-70-15
<b>Samarqandda —</b> 35-20-54
<b>Urganchda —</b> 226-51-35
<b>Farg'onada —</b> 26-43-62
<b>Termizda —</b> 3-79-98
<b>MANZILIMIZ:</b>
<b>700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.</b>
<b>Navbatchi: Ithom KAROMOV</b>
Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
<b>Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV</b>
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi.
<b>Korxonasi manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.</b>
<b>Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.</b>
<b>Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.</b>
<b>Hajmi 2 bosma taqob.</b>
<b>«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'biriyot ruxsati bilan amalga oshiriladi.</b>
G — 354
9389 nusxada bosildi
t — Tижorat materiallari
O'za yakuni — 21.30
Topshirish vaqti — 22.00
1 2 3 4 5
<b>Sotuvda erkin narxda</b>